



## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАНИҚЛИ АДВОКАТ ПОЛИНА БРАУНЕРГ 69 ЁШИДА ОЛАМДАН ЎТДИ

Қароргоҳи Францияда жойлашган "Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари" ассоциацияси тарқатган хабарга кўра, Полина Браунерг етти кун олдин мияга қон қуйилиши ташхиси билан шифохонага ётқизилган.

"Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари" ассоциацияси Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида истиқомат қилган таниқли ҳуқуқшуноснинг тиббий кўрикка муҳтож бўлгани, даволаниш учун хорижга чиқишга ҳаракат қилганида ҳукумат расмийлари томонидан монеъликка дуч келганини хабар қилган.

Охирги вақтларда ҳатто Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқишига қаршилик қилишгани ҳақида хабар беради "Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари" гуруҳи. Ассоциацияга кўра, Полина Браунергнинг хорижга чиқиш визаси аризасига 2014 йилдан буён рад жавоби бериб келинган.

"Ўзбек ҳукумати адвокат Полина Браунергнинг ўлими учун масъул", деб ҳисоблайди инсон ҳақлари ташкилоти. Марҳум Браунерг хоним 1999 йилги Тошкент портлашлари маҳкамасида муҳолифатдаги "Эрк" Демократик партияси раиси Мухаммад Солиҳнинг адвокати бўлган.

Шунингдек, у Мурод Жўраев, Мухаммад Бекжон, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари Фахриддин Тиллаев

ва Нураддин Жуманиёзовларнинг манфаатларини судда ҳиоя қилган.

Полина Браунерг 2002 йили Ўзбекистонга борган БМТнинг Қийноқлар бўйича махсус маърузачиси Тео ван Бовен билан учрашган, Ўзбекистондаги қийноқлар, аёлларнинг мажбурий стерилизация қилиниши, сиёсий тутқунлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва мустақил журналистларга бўлган таъқиблар ҳақида БМТ маърузачисини хабардор этган.

Полина Браунерг вафоти муносабати билан АҚШнинг Тошкентдаги элчилиги таъзия изҳор этган.

"Америка Қўшма Штатларининг Тошкентдаги элчихонаси Олмалиқ шаҳридан адвокат Полина Браунергнинг 69 ёшида хаётдан кўз юмганлиги муносабати билан оиласига, дўстларига ва ҳамкасбларига ўзининг самимий ҳамдардлигини билдиради. Браунерг хоним ўз фаолияти давомида Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва бошқаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб ўтди. Полина Васильевнанинг хотираси мангу яшайди ва унинг ишлари унутилмайди. У бизнинг хотирамизда абадий қолади", дейилади элчилик ўз расмий веб-сайтида эълон қилган таъзияда.

**Манба: Би-би-си Ўзбек**

## Бизга ташкилотчилар, югурдаклар, ялоқхўрлар керакми? Ёки ўз касбининг асл эгаларими?

Биз "политехнический" институтда ўқиб юрган вақтимизда «ҚДПИ» да Мансур деган бола ўқирди. Жамоат ишларига актив бўлгани учун ҳамма жойда ўшани номи, ким гапирса: "Мансурхон у қилдилар, Мансурхон бу қилдилар, Мансурхонга гап йўқ..." аммо каллада ҳеч нарса йўқ эди.

Вақтлар ўтди, ўқишга ҳақиқий меҳр берганлар, "эртадан кейин битирсам ҳалқимга хизмат қиламан" деганлар, билими билан олдинга интилганлар йўқ бўлиб кетди, лекин Мансурхон "передовиклигича" қолди.

Кўқон шахрининг "Мулоқот" телеканалда «мўъжизалар майдони» деган теле шоу бўлар эди (поле чудес). Шу кўрсатувга Мансурхонни ҳам таклиф қилишган экан, қатнашди. Ҳаммани ютиб финалга чиқди. Финалда ҳам ютди! Бошловчи: "суперфиналда ҳам иштирок этасизми?" – деган эди, рози бўлиб суперфиналда ўйнади.

Бошловчи эҳтирослар билан суперфинални бошлади.

Савол: "Англиялик таниқли сиёсатчи...", тўғриси саволнинг матни қай тариха берилгани аниқ эсимда йўқ. Таблода икки бўғиндан иборат сўз турипти. Бошловчи: «сизга енгиллик бўлиши учун биринчи бўғинни очамиз», таблода «УИНСТОН» сўзи очилди, «ана энди учта ҳарифни айтинг, очамиз», деди. Мансурхон ҳам «Е» билан «Р» ни топдилар, табло; «УИНСТОН.ЕР...» мана шу кўринишда турипти. Бундан ортиқ ёрдамни иложи ҳам йўқ эди. (бу саволга жавоб бериш учун олий малумотлик бўлиш шарт эмас, назаримда) Бошловчи: "ўйлаш учун вақт керакми?" – деса, Мансурхон: "йўқ, керакмас, бу – УИНСТОН ЧЕРНИШЕВСКИЙ" деб туриптику. Музлаб қолдим.

Мана шу Мансурхон ўқишни битиргандан кейин Кўқон шаҳридаги 5 – мактабда директор бўлиб ишлади. Ҳозир адашмасам 8 – мактабда директор ўринбосари бўлса керак.

Бизга ташкилотчилар, югурдаклар, ялоқхўрлар керакми? Ёки ўз касбининг асл эгаларими? Аввал ўлчовларимизни тўғрилаб олмас эканмиз, бари бефойда.

P.S.: Кунимиз "8x8 неччи бўлади?" – десангиз, "мактабни олдидаги гулзорни тозалаб қўяйми?" – деганларга қолди... (с)

**Sayyid Islom**

Бундан тўрт йил аввал иш юзасидан уч киши юк олиб келиш учун Қорақолпоғистон томон йўлга чиқдик. Қорқалпоқ юртининг Тўрткўл аталмиш шаҳрига бориб, у ердан Эллик қалаларни кўриб, Бўстон деган жойга бориб жойлашдик.

Гурунч олиб келиш учун боргандик. Бизга ваъда қилинган юкни ваъдалашган инсонимиз сотиб юборгани маълум бўлди. Ишимиз битмай, курук қайтмайлик деб, юк йиға бошладик. Бир хонадонга жойлашилди. Хонадон аҳли жуда ҳам меҳмондўст ва яхши одамлар эди.

Жойлашиб, яшашимиз асносида маълум бўлдики у атрофда масжид йўқ экан. Энг яқин масжид қирқ километр узоқликдаги масофада эканини айтишди. Шу учун ҳар намозга азон айтардик. Табиийки жамоат бўлиб намоз ўқишни бошладик. Хонадон аҳли ҳайрон. Улар бундай манзарани ҳеч қачон кўрмаган эканлар. Хуллас яшашни бошладик.

Одамларда Ўзбекчилик бор, ихлос бор лекин дин йўқ эди. Шўродан қолган анъана! Советдан кейинги даврда динни ёйиш учун ҳаракат қилганларни таъқиқлашганди. Ўша кичкина қишлоққа Сирдарёдан икки йигит келиб масжид қурган, улар ўша ерда таълим бера бошлаган.

Жамоат ортиб турган маҳал... Эски манзара... босишган. “Экстремист”, деб йигитларни қамашган. Масжид эса ўша ёпилганча қолиб кетган. Агар кимдир менга: «калимани билмайдиган Ўзбеклар бор» – деса, табиий ишонмасдим. Аммо ўз кўзларим билан кўрганман. Бир эмас, бутун бошлик қишлоқ аҳли десам ҳам бўлаверади. Ёшу қарисидан эринмай сўраб кўрганман.

“Калима”, десам тушунмаяпти деб, “ла илаҳа иллаллоҳ”, десам ҳам айта олмаган. Мана шу бизнинг замонамиз. Мана шу бизнинг халқимиз. Сахарлабдан то кеч маҳалгача даладан бери келмайдиган, содда, мол қўйдан бошқа нарсани ўйлашга ҳам вақти йўқ инсонлар.

Азон айтганимиз қўшниларга эшитилдими, билмайман... Улар чалпак ва ҳар турлик нарсалар пишириб чиқиб: «домлалар ўқиб қўйсин отам ўтган, онам ўтган» –



## Имондан бошқа ҳамма нарса бор

дейишни бошлашди. “Довруғимиз” тез тарқалиб, участкавой ҳам етиб келди. Обдон суҳбат қилди. Ҳар биримизни “экстремист” эмаслигимизни текширди. Уй эгаси ҳурматлик меҳмонлар, дегандан кейин қайтиб кетди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Айвонда намоз ўқиб тургандик, орқамизда қўшни ака чиқиб кузатиб турган экан. Намозни тугатганимиздан кейин томдан тараша тушгандек: «ука, сизларни гуноҳларинг кўпми?», деди. Карахт бўлиб қолдик. Бир зум гапира олмай: ҳа, гуноҳкор бандалармиз, нафақат биз, барча инсонлар гуноҳкор» – дедим. У инсон эса: «бизда гуноҳи кўплар намоз ўқийди» деди.

Уйда эрталаб қурон ўқиб ўтирган эдим. Овозимни чиқариб ўқиб турсам, уй эгаси кириб келди. Ўқишдан тўхтадим. “Ука, сиздан илтимос, қуронни овозингизни чиқармай ўқинг. Яна нотўғри тушунманг. Қўшнилар эшитса кимдир ўлипти, деб ўйлайди. Шу учун тўғри тушунинг” – деди. Тўғри тушундим. Миллатимни динсиз қилганларга лаънат ўқидим. Миллатимни қадриятларидан, иймонидан, акидасидан жудо қилганларни гўрига гишт қаладим.

Сафаримиз чўзилиб йигирма етти кун меҳмон бўлдим. Умримни йигирма етти кун йигирма етти йиллик сабоқ берди. Кузатишларим натижасида қишлоқда ёппасига эркаклар мардикорликка қўшни давлат Қозоғистон ва Россияларга кетганини, қишлоқда аёллар ва қариялар қолганини, бир қишлоқда кўплаб фоҳишахоналар борлигини билдим. Кичкинагина қишлоқда тўрт фоҳишахона. Аёллари эркаклардан кўра кўпроқ жисмоний меҳнат қилишини, сахардан то кун қорайгунча далада

чоппик қилиб, пахта териб, молга ўт териб куни ўтарди. Тўйлари буткул ўрисча бўлишини, никоҳ, маҳр ва шунга ўхшаш нарсалар умуман йўқлигини кўрдим. Одамийлиги, меҳмондўстлиги, қадр қимматни, дўстликни ва ҳоказо ҳамма қимматлик қадриятларни ўрнига қўядиган қишлоқдан динни суғуриб олганга ўхшарди. Имондан бошқа ҳамма нарса бор. Тушунча йўқ, тушунча берадиган одам йўқ.

Қалбимни бир чети қолган ўлка. Кўп нарсага сабоқ берган ўлка. Ҳа, бу сиз ва мен яшаётган замондаги ҳолат.

Биз бугун пайпоқга масх тортиш, қўлни намозда қаерга қўйиш, суннат, мустаҳабларни талашиб юрганимизда, аҳли қиблани, намоз ўқийдиган, динига озми кўпми амал қиладиган одамларни кофирга, мунофиққа, фосиққа ажратиб, шижоатимизни, идрокимизни бир-биримизни гўштимизни ейишга сарфлаб ётибмиз.

Шу даража ҳиммати пастмизки кучимиз гапимизни маъносини тушунадиганларга етади. Тушунмайдиганларга тушунтиришни хоҳламаймиз. Мана шундай жойлар борлигини инкор қиламиз. Бугун биз унисини Ваҳобий, бунисини Салафий, унисини хизбий, бунисини Мотурудий, бошқасини фалоний демасдан халқимизни жаҳолатдан қутқаришга ҳаракат қилганимизда эҳтимол, эҳтимол ўша одамлардан бирортаси намозга кирарди. Бирортаси имон нималигини тушунармиди. Ҳар хил лақаблар қўймаганимизда, ҳар хил тухматлар қилмаганимизда ўша ерга масжид очганлар, балки халққа нафи тегарди. Тахминлар ва таъбирлар кўп. Бизга уларни ҳолатидан кўра баҳслашиш, ўзини ҳақлигини кўрсатиш муҳим.

Энг яқин улфати Отарчи, Бенамоз, фосиқлиги аниқ одамларга тоқати етганлар арзимаган масалаларда бир-бирларини нифоқда айблайдилар.

Биз мунофиққа, кофирга чиқараётган одам билан бир масжидда, бир имомга иқтидо қилиб намоз ўқийтгандирмиз. Бахсларга, адоватларга чек қўйиш вақти келгандир?

Sayyid Islom  
facebook.com



Ўзбекистонлик бир гуруҳ инсон ҳуқуқлари фаоллари 2005 йил 13 майдаги Андижон воқеаларининг навбатдаги санасини Тошкентдаги “Жасорат” ёдгорлиги пойига гул қўйиш билан хотирлашган.

Ўтган йиллардагидан фаркли ўларок, Ўзбекистон расмийлари бу сафар кичик сондаги ҳуқуқ фаолларининг Андижон қурбонларини хотирлаш маросимига қаршилиқ кўрсатишмаган.

Ҳуқуқ ҳимоячиси Елена Урлаева ҳамда яна бир неча фаоллар Андижонда намойишчиларни ўққа тутган шахсларни жазога тортишни талаб қилганлар.

Айни сана арафасида Тошкентга ташриф буюрган Бирлашган Миллатларнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн 2005 йил майдаги Андижон воқеалари қурбонларини унутмаслик ва бу воқеаларга ҳолис баҳо беришга чақирган.

Аввалроқ Президент Мирзиёев билан учрашган БМТ мулозимининг Андижон масаласини муҳокама қилгани ҳақида маълумот йўқ.

Андижон воқеаларининг навбатдаги санаси Мирзиёевнинг Хитойга ташрифи пайтига тўғри келган.

Мирзиёев на Бош вазир лавозимини эгаллаб турган 2005 йил ва на Президент бўлганидан буён Андижон воқеалари ҳақида ҳеч қандай баёнот бермаган.

Хўш, унинг сукунати нимани англатади? Ўзбекистон ҳуқуқлари юзлаб инсонларнинг ўлимига сабаб бўлган фожиаи воқеалар борасидаги мавқеини қайта кўриб чиқиши мумкинми? Андижон қирғини юзасидан мустақил текширув ўтказиш эҳтимоли қанчалик?

Андижон қурбонлари учун адолат тикланадими?

Биз бу саволларни Олма-Отадан британиялик таҳлилчи Жоанна Лиллис билан муҳокама қилдик.

Жоанна Лиллис: Ўтган ҳафта Бирлашган Миллатлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарининг Ўзбекистонга тарихий ташрифига гувоҳ бўлдик. Бу айни даражадаги БМТ мулозимининг мамлакатга илк ташрифидир. Бу шубҳасиз, Президент Мирзиёевнинг инсон ҳуқуқлари борасида мулоқотга тайёрлигини кўрсатади. Биласиз, бу каби мулоқот марҳум президент Ислон Каримов даврида имконсиз эди. Назаримда, Мирзиёев



## Мирзиёев Андижон борасида нега сукут сақламоқда?

Ўзбекистоннинг дунёда инсон ҳақларини энг кўп поймол этувчи давлат сифатидаги имиджини ўзгартиришни истади. Шунинг учун ҳам БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарини Ўзбекистонга таклиф қилди, деб ўйлайман. Мирзиёевнинг шахсан ўзи Андижон воқеаларининг навбатдаги санаси муносабати билан ҳеч қандай шарҳ бермаганига ажабланмаган бўлардим. Ўзбек ҳуқуқлари Андижон масаласининг қанчалик оғриқли эканини яхши билади. Дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари жамоатчилиги бу йил ҳам қурбонларни хотирлади ва воқеалар юзасидан мустақил текширув ўтказишга чақиринишда давом этмоқда. Аммо Мирзиёев бу каби текширувга рози бўлади, деб ўйламайман.

Би-би-си: БМТ Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн Тошкентдалигида Андижон воқеалари юзасидан мустақил текширув ўтказишга чақирмади. Нега?

Жоанна Лиллис: Эҳтимол, БМТ Олий комиссари ўз мезбонини ноқулай аҳволга солишни истамагандир. Бу бир “реал-политик” масаласи ҳам бўлиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Олий комиссари Ўзбекистон билан инсон ҳуқуқлари борасида мулоқот ўрнатмоқчи. Каримов даврида бу каби мулоқот ўрнатишнинг имкони бўлмаган. Эҳтимол, бу каби чақириниш ҳозирга босқичда ана шу мулоқотни бошлашни қийинлаштиради, деб ўйлагандир. Аммо албатта, ҳуқуқ фаоллари Зайд Раад ал-Хусайн баралла гапириши ва Андижон

юзасидан мустақил тергов ўтказиш талабини такрорлаши керак эди, дейишмоқда.

Би-би-си: Андижон юзасидан мустақил текширувнинг ҳозирги ўзбек элитаси учун қандай эҳтимолий оқибатлари бўлиши мумкин?

Жоанна Лиллис: Аёнки, Андижон воқеалари даврида ҳокимиятда бўлган одамларнинг кўпчилиги ҳануз қудратда. Андижондаги намойишни бостириш чоғида асосий рол ўйнаган хавфсизлик кучлари – СНБнинг раҳбари ўзгаргани йўқ. Шунинг учун ҳам мустақил текширувга рухсат берилиши эҳтимоли жуда кам. Президент Мирзиёев учун бу каби қадам жуда катта таваккал ва хавф ташкил этиши мумкин. Ўзбекистондаги бошқарув тузилмаси жуда мураккаб ва шунинг учун ҳам ичкарида кечаётган ҳокимият учун курашлар ҳақида узил-кесил бир фикр айтиш қийин. Аммо шунга қарамай, Каримовнинг ўлими ҳуқуқатдаги қаттиққўл ва ислоҳот тарафдори бўлган кучлар орасида курашни юзага чиқаргани ҳозирда аён. Тахминимча, Мирзиёевнинг Андижон юзасидан мустақил текширувга рухсат бериши ҳуқуқатдаги қаттиққўллик тарафдорларини ғазабга келтиради ва ҳокимият учун курашнинг очиқ тус олишига сабаб бўлиши мумкин. Мирзиёев Президент этиб сайланганига ҳали кўп бўлгани йўқ ва ҳокимиятда қолиш учун мувозанатни ушлаб туришга мажбур. Андижон масаласи унинг

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

учун жуда ҳам қалтис бўлиши мумкин.

Би-би-си: Мирзиёевнинг ўзи Андижон воқеалари юз берган пайт давлатдаги иккинчи одам эди. Сиз Андижон воқеаларида унинг шахсий масъулияти бор, деб ҳисоблайсизми?

Жоанна Лиллис: Менимча, ҳа. Шубҳасиз, инсон ҳуқуқлари ташкилотлари Андижондаги намоишлар қонли бостирилган пайт бу каби лавозимда бўлган ҳар қандай шахс жавобгар деб айтишлари тайин. Мирзиёев Бош вазир эди ва Андижонга ўхшаган муҳим бир масалада унинг

иштирокисиз қарор олинганига ишониш қийин. Гарчи хавфсизлик хизмати раҳбари Каримовга кўпроқ таъсир кўрсатиш имконига эга бўлган эса-да. Менимча, Андижондаги воқеалар учун ўша пайт ҳукуматда бўлган барча шахслар жавобгар.

Би-би-си: Сизнингча, Ўзбекистондаги ҳокимият давомийлиги ва Мирзиёевнинг Каримовни улуғлаётганининг ўзиёқ Андижон масаласини қайта кўриб чиқиш эҳтимолини истисно қилмайдами?

Жоанна Лиллис: Шубҳасиз, бу жуда муҳим омил. Мирзиёев биринчи кунданок Каримов

шахсини улуғлаш орқали ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва халқни жипслаштириш мақсадида фойдаланаётганини кўраемиз. Гарчи у амалда ҳар доим ҳам Каримов меросига садоқатини кўрсатмаётган бўлса ҳам. Шу маънода Мирзиёев бошқаруви Ўзбекистондаги ҳокимиятнинг давомийлиги тамойилиги қурилгани тўғри. Ислоҳ Каримов олган муҳим қарорларни савол остига олиш Мирзиёевнинг ўзининг ҳокимиятини таҳлика остида қолдириши мумкин. Бу Мирзиёев учун бир маънода ўз-ўзини савол остига олиш, дегани.

Манба: Би-би-си Ўзбек



## Диндорларга жазо муддати қўшиб берилляпти

Ўзбекистон Мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари ташаббус гуруҳи етакчиси Суръат Икромовнинг 12 майда тарқатган хабарига кўра, Ўзбекистон қамоқхоналарида сўнгги амнистия қарори асосида озод этилиши керак бўлган диндорларустидан сохта “жиноий иш”лар очилиб, уларнинг жазо муддати узайтирилмоқда. Human Rights Watch халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотининг сўнгги йиллик ҳисоботида кўра, Шавкат Мирзиёев президент этиб сайланганидан бери мамлакатда “инсон ҳуқуқларига оид ўта ёмон кўрсаткич” ижобий томонга ўзгаргани йўқ.

Озодлик билан суҳбатда Суръат Икромов жазо муддати узайтирилган маҳкумлар сони, унинг тахминий ҳисоб-китоби

бўйича, 500-600 нафарга етганини маълум қилди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати 12 октябрда президент Шавкат Мирзиёев тақдим этган амнистия тўғрисидаги қарор лойиҳаси асосида Амнистия тўғрисида қарор қабул қилганди.

Унда, жумладан, “тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни ҳам жазодан озод қилиш” тақлиф этилганди.

Бироқ, амнистия қарорига мувофиқ, “тақиқланган ташкилотда фаолият юритиб,

унинг таркибида тинчлик ва хавфсизликка ёхуд жамоат хавфсизлигига қарши жиноятларни содир этган, жиноий гуруҳларда ўта хавфли жиноятларни содир этган ва ўта хавфли рецидивистлар дея тан олинган ҳамда жазони ўташ тартибини доимий бузиб келган, шунингдек, амнистия ёки афв қилиш билан озодликка чиқарилгандан кейин ҳам қасддан жиноят содир этганларга нисбатан мазкур амнистия акти қўлланилмайди.”

### Камида 500-600 маҳкум

Суръат Икромовнинг айтишича, жазо муддати узайтирилаётган диндор маҳкумларнинг аниқ рақами маълум эмас.

– Буларнинг сони жуда кўп. Конкрет рақам йўқ. Лекин, менинг фикримча, камида 500-600 маҳкумга жазо муддати қўшиб берилляпти. Бу камида, – деди Суръат Икромов.

Унинг таъкидлашича, жазо муддати одатда 3 йилдан 6 йилгача узайтирилади.

Икромов аксар ҳолларда жазо муддати маҳкум қонунан озод бўлиши арафасида узайтирилаётганини айтди.

Суръат Икромов Ўзбекистонда Ислоҳ Каримов вафотидан кейин иқтидорга келган Шавкат Мирзиёев марҳум президент юритаётган сиёсатни давом эттираётганини билдирди.

Манба: “Озодлик” радиоси



Ҳасан Ғойиб  
(Тоҷикистонлик шоир)

### Фикрлар уйқашлиги ва тақдирлар ўхшашлиги

Шеър ҳақида тожик шоири Бозор Собир шундай деб ёзади: "Адабиёт адаб калимасидан олинган бўлиб



шу ерда ҳам сизни топиб олишди" дедим. Устознинг хурсандлигини кўрган шоир Раҳмат Назрий ҳам анча енгил тортди.

У киши "Биз бориб кўришнинг ўрнига, устознинг ўзлари хабар олагани келибди"- деб хижолат чекиб турган эдилар. Менинг

## “УЛАРНИ ДОРГА ОСГАНДИЛАР, ЎТДА ЁҚҚАНДИЛАР, СУВГА ЧЎКТИРИШГАНДИ, АММО БУГУН ҚАРАСАК, ҲАММАСИ ТИРИК ЭКАН”...

ҳулқ – атвор, таълим тарбия ва панд-насихатни билдиради. Шунинг учун мазҳаб таблиғ оти, панд насихат қилиш адабиётнинг иши, аммо шеър шоирликнинг иши эмас. Шеър калимасининг илдизи шуур бўлиб, ақл-фаросат, идрок, завқ ва зеҳну андиша маъносини билдиради”;

“Санъатнинг уч тури – тасвирий санъат, мусиқа ва назм эгизакдир”;

”Шеър мўъжиза ҳам, сеҳру жоду ҳам эмас. Одам барча нарсани ўрганиши мумкин, ишқдан бўлак. Бирор шоир шеър ёзишни бутунлай ўргандим деб айта олмайди.

Бугун ғазаллар завқ бермайди, худди музей экспонатларига ўхшаб. Классиклар ихтироси бўлмиш абрў камон, зулфи сунбул, сарви равон, сарви чаман каби ташбеҳлар билан машукага хушомад қилган одам примитив ҳисобланади.

Чунки эстетик дид ўзгариб кетган. Классиклар қолдирган мерос билан биргаликда жохон шеърятни бизнинг ихтиёримиздадир. Шунинг учун ақаллан тоза ибора ва ёки янги ташбеҳ топиб шеърятда янгилик қилишимиз керак”. (“Шоиру шеъре агар ҳаст”, Душанбе, “Адиб”-2006).

Устоз Бозорнинг ижтимоий-сиёсий руҳдаги шеърлари кишига ўзгача завқ бағишлайди.

Шоирнинг турли йилларда яратилган “Теғи Сино”, “Девори Бухоро”, “Аҳмади Дониш”, “Айнӣ”, “Қаҳрамони Наврӯз”, “Шоиру шеъре агар ҳаст” каби шеърларида тожик миллатининг орзу армонлари ўз аксини топган.

Устоз Бозор Собир билан илк бор шоир Раҳмат Назрийнинг иш кабинетига танишганмиз.

Ўша куни биз Раҳмат Назрийнинг иш кабинетига қаҳва ичиб ўтирган эдик, шляпасини бостириб олган, соч-соқоли ўсган шоир кириб келди. Ўрнимиздан туриб салом алик қилдик. 20-аср тожик шеърятининг машҳур шоири билан юзма-юз ўтирар экан,

ҳаёлимда шоирнинг Жексонвил шаҳрида яшаган чоғида ёзган мисралари айланар эди:

*“Аз ватан рафтам,  
Валекин дур рафтан аз ватан  
имкон надорад,  
Мекашад хокаш;  
Аз кашиданҳои хокаш набзи ман  
кандаст,*

*Зарбати набзам мураттаб  
нест,  
Зарбати қалбам мураттаб  
нест.*

*Аз ватан рафтам, валекин  
мекашад хокаш,  
Хоқу хошокаш”.*

Ушбу сатрлар Ватан ҳақидаги энг гўзал сатрлар ҳисобланади, назаримда.

Раҳмат Назрий мени устоз Бозор билан таништирди. У киши диққат билан менга тикилиб, ҳол-аҳвол сўрадилар. Сўнгра “Регарҳо чи хел? “- деб кўшиб кўйдилар. Шу пайтда менинг қўл телефоним жиринглаб қолди. Узр айтиб, телефонга жавоб бердим, ҳамкурсим Шокир Назиров экан, саломлашгач, мени қаердалигимни сўради. Мен “устоз Бозор Собир билан суҳбатлашиб ўтирибмиз”-дея жавоб бердим. Шокир устознинг шеърини қироат қила бошлади:

*Дар ин замин монанди ман  
Ошиқ намеояд дигар.  
Биниин ба рӯйи чашми ман  
Лоиқ намеояд дигар.*

Мен “истед, ҳозир трубкаро ба устоз медахам, бадъан мехонед” дея устоз Бозор Собирга телефонни тутқаздим. Устоз шеърни тинглар экан, кайфияти кўтарилди, Шокир билан қуёқ сўрашди. “Сиз ҳам шоирмисиз? Душанбега бирор кун келинг” дея тақлиф қилди ва менга хурсанд кайфиятда телефонни тутқаздилар. Мен “Регарда сизнинг мухлисларингиз кўп, устоз, қаранг,

“аристократ” жўрам – Социалистик Мехнат қаҳрамони Кенжа Назировнинг эрка набираси, форс-тожик шеърятининг ашаддий мухлиси Шокир Назиров ҳалигача ўша воқеани эслаб юради.

Сўнги йилларда устоз Бозор Собирни ёзувчилар Иттифоқида ва турли йиғинларда тез-тез учратиб қолар эдим. Шоир Низом Қосим устозни бирга олиб юрар эди. Ўтган йили Садриддин Айний номли мухташам опера ва балет театрида бўлиб ўтган Бозор Собирнинг ижодий кечасида залга одам сиғмас эди.

Менга шоира Мадина Азимий жой олиб кўйган экан, бўлмаса тикка туришга тўғри келар эди. Бозор Собир ижодий кечани Тоҷикистон халқ артисти Саидкул Билолов билан биргаликда ўтказди. Оташқалб шоир ўзининг машҳур сиёсий-ижтимоий руҳдаги шеърларини ҳамда ишқий сатрларини ўқир экан, зал жон қулоғи билан тинглар эди. Эсимда қолгани, устоз Бозор кечада нафақат ўз шеърларидан ўқиди, балки форс классик шоири Нодир Нодирпур ва Муҳаммад Иқболдан ҳам парчалар ўқиди. Бу ҳам биз ёшларга ибрат эди. Ҳақиқий санъат асарига айланган шеър халқ мулкига айланар экан:

*“Шоҳоре не агар, байте  
бимонад ёдбуд  
Дар забони миллат худ...”*

Эркесвар шоир Муҳаммад Солиҳ қайта қуриш йилларида эълон қилган публицистик мақолалари билан халқ орасида машҳур эди. Ўзбек ёшларининг, жумладан менинг ҳам сеvimли шоирим эди. Устознинг шеърлари ва публицистик мақолалари бугун ҳам энг ўқимишли ва замонавий асарлардан саналади. Мен Бозор

(Давоми кейинги саҳифада)

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Собир билан Муҳаммад Солиҳ фикрларида ўхшашлик кўраман, шахсиятида эмас. Икки шоир ҳам “нимаики ёзган бўлсам вақт ўтгач бошимга тушди” деб айтади. Урфиятда ҳар бир гапга “фаришта омин дейди” деган нақл юради. Устоз Муҳаммад Солиҳ ҳам шеърият ҳақида гапираркан: “Шеър менимча ҳикмат эмас. Шоир атайлаб афоризмлар битмайди. У шеър ёзади. Афоризмлар одамнинг идрокини юксак мувозанатга чорлайди, унинг ягона қуроли мувозанат. Шеър аксинча, бизни мувозанатдан чиқаради, жунбушга солади. Рухимизни тинимсиз ҳаракатга келтириб туради”- деган эдилар бир суҳбатида. Устознинг худди шу суҳбатда билдирган қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга молик: “Шеърият фақат бойиб, ўзгариб боради. Йўналишларнинг кўплиги, шаклларнинг ранг-баранглиги ҳақиқий адабиётга хос белгидир”. (“Покланаётган умид”, 1981-йил).

Сўнгги йилларда устоз билан интернет орқали суҳбатлашиш насиб этди.

Менинг илтимосимга кўра, устоз олти томлик асарлар тўпламини дасхат ёзиб жўнатдилар.

Шоир мустабид тузум зулми авж олган даврда халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқи учун курашди, оғир синов палласида ҳақ ва адолат талашди, истиқлол ғоясини олға сурди, аммо юрт мустақил бўлгач, ўз Ватанига сиғмади.

М. Солиҳ 1988-йилда «Ёш ленинчи» газетасига берган интервьюсида ибратли фикрларни изҳор этган эди: «Ёлғон айтиш тўғри сўзни айтишга қараганда хавфсизроқ. Зотан, инсоният тарихида ёлғон сўзи учун азият чекканларга нисбатан, тўғри сўзи учун жабр тортганлар кўпроқдир. Аммо виждони бутун одам ёлғон гапириб қутилишдан кўра, тўғриси айтиб тутилишни афзал кўради. Бу, албатта, телбалик эмас, бу –унинг табиати. Ўша ўжар тоифага мансуб зотлар тарихда кўп учрайди. Уларнинг кўплигини кўриб, энг тушкун кимсанинг юрагида ҳам келажакка умид уйғонади: шундай одамлар яшаган экан, демак, бугун ҳам яшяпти, бундан кейин ҳам яшайди, деб ўйлайди у. Уларни

дорга осгандилар, ўтда ёққандилар, сувга чўктиришганди, аммо бугун қарасак, ҳаммаси тирик экан. Улар маънавият қасрининг устунлари, улар ўз юртларининг ҳақиқий граждандирларидир».

Муҳаммад Солиҳнинг юкоридаги сузлари унинг ўзига ҳам тегишли эканлигини вақт кўрсатди. Муҳаммад Солиҳдек халқнинг фидойи фарзанди, қувгинда юриши ҳеч кимга обрў келтирмайди. У кишининг четга чиқиб кетганларини ёқламаган ҳолда, халқимизнинг шарафли фарзанди Ватанига қайтиши учун имкон бериш вақти келди деб ўйлайман.

“Хурлик ҳақида” номли шеъримда шундай мисралар бор эди:

*Хурлик, озодлик деб курашиб ўтган*

*Азалдан миллатнинг зўр ўғлонлари.*

*Бири голиб бўлиб мақсадга етган,*

*Бири қувгин бўлган Ватандан нари.*

facebook.com

Эрондаги президентлик сайловида мамлакатнинг амалдаги президенти Ҳасан Рухоний голиб чиқди. Мамлакат ички ишлар вазирлигига кўра, сайловда 41 миллиондан ортиқ сайловчи қатнашган. Шундан 23 ярим миллиондан ортиғи Рухоний учун овоз берган. Унинг рақиби, Оятуллоҳ али Ҳуманай ва уни атрофидаги консерваторлар дастакловчи 56 ёшли Иброҳим Раисий 15 миллиондан ортиқроқ овоз тўплаган.

Эронда давлат раҳбари лавозимига тўрт номзод даъвогарлик қилаётганди. Улар орасида амалдаги президент Ҳасан Рухоний ҳамда консерватор ва собик прокурор Иброҳим Раисий кўпроқ овоз олиши мумкин бўлган номзодлар сифатида қаралаётганди.

Либерал қарашларга эга деб билинган Ҳасан Рухоний 81 миллионлик аҳолига Ғарб билан ҳамкорликни давом эттириш ва ватандошларга янада кўпроқ эркинликлар беришни ваъда қилмоқда.

Унинг сайловдаги рақиби Иброҳим Раисий эса овоз беришда қонунбузарликка йўл қўйилганини иддао қилмоқда. У Рухоний тарафдорларини сайлов



## Эрондаги сайловда Рухоний голиб чиқди

участкаларида тарғибот ишларини олиб борганликда айблаган.

Сайлов участкаларида тарғибот мамлакат қонунчилигига зиддир.

Эрондаги сайловларда фаоллик 70 фоизни ташкил этган. Яъни сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг шунча фоизи овоз беришда қатнашган.

Сайловчилар фаоллиги юкори бўлгани сабаб ҳуқумат овоз беришни беш соатга узайтирди.

Эрон ички ишлар вазирлигига

кўра, сайловда 41 миллиондан ортиқ одам қатнашган.

Эронда президент ижроя ҳокимият раҳбари ҳисобланади. Лекин, асосий иқтидор Эрон олий рухонийси қўлида. У мамлакат қуроли кучлари, суд тизими, давлат телевидениеси ва ҳуқуматнинг муҳим идораларини назорат қилади. Эрон олий рухонийси мамлакат ташқи сиёсатини ҳам белгилаб беради.

Манба: “Озодлик” радиоси





## АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ОММАВАЙ ЗАҲАРЛАНИШ ЮЗ БЕРДИ

Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида 15 май куни юзлаб одам бир хил симптом- тинимсиз ич кетиш ва қайт қилиш аломатлари билан касалхонага мурожаат қилган.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси мулозимининг Озодликка айтишича, улардан камида 300 нафарининг музқаймоқдан заҳарлангани аниқланган. Озодлик суҳбатлашган шаҳрихонликлар заҳарланганлар сони бундан анча кўплигини айтмоқда.

– Сешанба куни пешингача бўлган ҳолатда музқаймоқдан заҳарланган 182 киши касалхонанинг интенсив терапия бўлимида муолажа олмоқда. Аҳволи яхшиланганлар уйларига жавоб берилган бўлса ҳам, улар ҚВП врачлари назоратида қолмоқда, деди 16 май куни Озодлик суҳбатлашган маҳаллий мулозимлардан бири.

### Кўрқинчли Шаҳрихон

Айни пайтда Озодлик суҳбатлашган шаҳрихонликлар музқаймоқдан заҳарланганлар сонининг 600 га яқинлигини айтмоқда. Уз шахси очикланмаслигини истаган тошкентлик журналист ўзининг Шаҳрихондаги қариндошларига таяниб, музқаймоқдан заҳарланиб касалхонага тушган 550 кишидан бештасининг ўлганини иддао қилди.

“Қариндошларимнинг айтишича, аҳвол жиддий. МЧС палаткалар тикибди”, деди журналист.

Озодликка телефон қилиб, музқаймоқдан оммавий заҳарланиш ҳабарини берган шаҳрихонлик 46 яшар тадбиркор йигит Икромжоннинг айтишича, шаҳарда музқаймоқдан заҳарланган 7 ёки 10 киши ўлгани ҳақидаги миш-миш

урчиган:

– Қўшни туманлардан ҳам тез-ёрдам машиналари юрибди, номеридан билдим. Осмонда МЧС вертолётлари учиб юрибди. Шаҳар миш-миш билан тўла, бировлар етти киши ўлган деса, бировлар 10 киши ўлган дейди. Тумандаги катта касалхона тўлган. Вилоят ҳоқими, Тошкентдан келган катта мулозимлар билан ҳоқимлик биносидан штаб очган. Врачлар уйма-уй юрибди, дейди шаҳрихонлик Икром.

### Мулозимлар вазият барқарорлигини айтмоқда

Андижон вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси мулозимининг айтишича, якшанба пешиндан кейин ўтган 24 соат давомида музқаймоқдан заҳарланган биронта бемор ўлими қайд қилинмаган:

– Улим ҳолати йўқ. Вазият бартараф қилинди. Душанба куни соат 14 дан 30 дақиқа ўтганида тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликларни қайд қилиш бўлимига музқаймоқдан заҳарланган илк бемор мурожаат қилди. Сал ўтмай, айна ташхис билан дасталбки 26 беморга врач ёрдами кўрсатилган. Улар ич кетиш, қайт қилиш ва баданга тошмалар чиқиши каби клиник белгилар билан қайд қилинган. Кейин соат 15 дан 30 дақиқа ўтганга қадар тумандаги ҚВПлар ва бошқа касалхоналарга 300 га яқин бемор айна симптом билан мурожаат қилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва санитария-эпидемиология маркази врачлари вазиятни тўғри баҳолаб, қўшни туманлардаги врачларни ҳам сафарбар қилишди. Душанба пешиндан кейин музқаймоқдан заҳарланган беморлар сонининг

ўсиши тўхтади, дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси мулозими.

### Устига қулупнай қўйилган қўлбола музқаймоқ

Шаҳрихон шаҳар ҳоқимиятидаги исми эфирда айтилишини истамаган мулозимнинг Озодликка билдиришича, туман ва шаҳар аҳолиси бирон бир расмий ширкатга алоқаси бўлмаган қўлбола музқаймоқдан заҳарланган:

– Ҳозир бутун шаҳардаги музқаймоқ сотувчилари тафтиш қилинмоқда. Аниқлашимизча, якшанба куни бизга чегарадош бўлган Қува туманидан Шаҳрихон бозорига қўлбола музқаймоқ келтирилган. Бу музқаймоқ бирорта ширкат брендида эга эмас. Бу қўлбола музқаймоқнинг устига қулупнай қўйилган. Санитария-эпидемиология маркази текширувига кўра, қулупнай кимёвий пестицидлар билан ўстирилган бўлган. Бу пестицидлар куннинг иссиғида музқаймоқ билан реакцияга киришиб, инсон вужуди учун хатарли моддага айланган. Музқаймоқ арзон нархда бозордаги ёймачилар тарафидан сотилгани боис, бирданга кўп одам заҳарланган, дейди ҳоқимлик мулозими.

Унинг айтишича, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари, Республика Бош Давлат санитария ва ҳаёт соғлиғи Сайдалиев бошчилигидаги врачлар зудлик билан Шаҳрихонга келиб, вазиятни назорат қилишмоқда:

– Сайдамурод Сайидганиевичнинг ўзлари штабда ўтириб вазиятни назорат қилди. МЧС оёққа қалққан. Вилоят ҳоқими Шўхратбек Қўшоқбоевич бўлса касалларга бепул тиббий ёрдам ва дорилар беришни таъминлади. Бутун вилоятдаги врачлар Шаҳрихонга сафарбар қилинди. ҚВП врачлари уйма-уй юрибди, дейди мулозим.

Озодлик билан суҳбатда Бош санитария ва ҳаёт соғлиғи вазирлиги расмийси ўз раҳбар ва ходимларининг Шаҳрихондаги вазиятни бартараф этишга сафарбар қилинганини тасдиқлади.

Ўз ойларида Ўзбекистон шаҳарларида музқаймоқ, айрон ёки бошқа роҳатбахш ичимликлардан заҳарланиш учраб туради.

Озодлик жорий йилнинг март ойида Самарқанд вилояти Оқдарё туманида жойлашган “Устоз” санаторийсининг қарийб ўн нафар дам олувчиси овқатдан заҳарлангани ҳақида ёзган эди.

2014 йили Жиззахда ўнга яқин одам музқаймоқдан заҳарланиб касалхонага ётқизилган эди.

**Манба: “Озодлик” радиоси**

## Замонавий тиббиёт миллионлаб одамларни ҳалок қилмоқда

*Россиялик сиёсат ва жамоат арбоби Герман Стерлиговнинг замонавий тиббиёт ҳақидаги интервьюси*

(Видео матни)

### Замонавий тиббиёт миллионлаб одамларни ҳалок қилмоқда

Герман Стерлигов: Замонавий тиббиёт шунча одамни ҳалок қилади-ки, барча диктатор ва қотиллар биргаликда ҳалок қилган одамлар сони бунчалик эмас.

Замонамизнинг 99 фоиз ўлими бу инсонларнинг докторга мурожаат қилиши ортидандир, мен буни тиббиёт профессорининг ўғли сифатида айтаяпман.

Замонавий тиббиёт миллионлаб одамларни ҳалок қилмоқда! Фақатгина у ерга мурожаат қилиш керак ҳалос ва сиз кўлга тушдингиз, сизни ўлганингизга қадар даволашади. Сизга диагнозлар ўйлаб топишади, сизни кўлдан кўлга беришади, сизни фармацевтика билан захарлашади, сизни қимматбаҳо амалиётлар қилишади. Сен ўлмагунингча сен билан ҳар нарса қилишади ва сендан пулларингни сўриб олишади.

Биласизми булар катта одамлар энди, у ерга кириш мумкин эмас. Чунки тиббиёт бу пуллик хизмат, ўйлаб кўринг, сиз бир кишининг олдига келаяпсиз ва бу одам сизнинг касал эканингиз шарти билан сиздан пул олади, ва сиз ўз соғлигингизни шу одамнинг кўлига топширасиз. Бунинг учун умуман ким бўлиш керак, агар у сиздан фақатгина касал бўлганингиз учун пул оладиган бўлса, умуман у сизни даволайди деб ўйлаш учун аҳмоқ бўлиш керак. Бу замонавий тиббиётнинг принципи. Бу Парацельс тиббиёти деб аталади, бунгача эса Гален тиббиёти бўлган.

Тиббиёт пуллик бўлиши мумкин эмас. Тиббиёт кимёвий бўлиши мумкин эмас. Тиббиёт фақатгина табиий бўлиши мумкин, бу табиий ўтлар, минераллар, хирургия, қадимги тиббиётдаги Галеннинг ўзи ҳам Александриянинг гладиаторлар мактабида хирург бўлган. Мана шу тиббиётга қайтиш керак ва бундай тиббиёт ислохотлари керак бизга. Биз Парацельс тиббиётини бекор қилишимиз керак, шу вақтгача шуғулланиб келган чиркинликларини лаънатлашга

рози бўлган у ердаги энг яхши кадрларни энди уларнинг Гален тиббиётида ишлашлари учун олиш керак. Ҳар қандай ёлғонларсиз, яъни инсонларни даволовчи табиий воситалар билан. Чунки Гален тиббиётининг бир қисм илми Парацельс тиббиётига кирган. Масалан: кўл синиши, нима бунинг муолажасини замонавий докторлар ўйлаб топишганми, бу мана Гален тиббиёти.

Ва шу каби ҳаётнинг барча ҳодисалари учун шифобахш ўтлар бор.

– Пенцилиннинг кашф қилинишичи?

Герман Стерлигов: Бу ёлғон, пенцилин бу захар, ўта зарарли модда. Ҳақиқий табиий антибиотикларни мен сизга санаб ўтишим мумкин. Бу табиий йод, ҳеч қандай салбий таъсири бўлмаган асалари қолдиқлари, буларни катта идишларда ҳам кўп миқдорда ҳам тайёрлаш мумкин. Яна прополис ва кўплаб бошқа табиий воситалар. Булар жуда ҳам самарали воситалар. Мен ҳар доим автомобилда кичик идишчада ёки табиий йод, ёки асалари қолдиқларидан тайёрланган восита олиб юраман.

Буларни ҳаётдаги барча ҳолатларга ишлатиш мумкин, тишингиз оғридимми – оғзингизни чайдингиз ва ўтиб кетади, қаерингизнидир кириб олдингизми – мана бундай устидан қуясиз ва у ҳам кўз ўнгингизга битабошлайди. Бу бизга худо тарафидан берилган нарсадир. Сиз гапираётган нарса эса, пенцилин ва бошқалар – бу бизга “сеҳргар”лар, Парацельс тиббиётдаги докторлар тикиштирган нарсалар. Ва пенцилин кўплаб одамларни ҳалок қилди, унинг вақтинчалик таъсири бор, кейин эса организмни ейишни бошлайди. Ундан кейин организм пенцилинга ўрганиб қолади ва организмнинг шу вақтгача курашиб келган касалликларга қарши иммунитетни йўқолади. Ва шу ердан ОИТС ва бошқа-бошқа касалликлар келиб чиқади. ОИТС нима – Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми, яъни организмнинг ташқи зарарли моддалар микроб ва бошқалар таъсирига қарши курашишдан тўхташи. Бунинг ҳаммаси нимадан

– эмлаш, пенцилин ва болаларга туғилишиданоқ ҳар хил дори-уколлар қила бошлашларидан.

Эътибор беринг, ОИТС Африкада пайдо бўлди, айнан Африка касалликларни текшириш учун бошланғич лойиҳа эди, шунинг учун ОИТС у ердан келган. ОИТС бу эмлашлар ва антибиотиклар маҳсули. Чунки организм касаллик билан курашишдан тўхтади. ОИТС бу инфекция эмас, бу жинсий алоқадан пайдо бўладиган нарса эмас, бу йолғон. ОИТС бу – врачлар, бу улар одамларни шундай, организмлари ташқи ҳафв билан кураша олмайдиган, ногирон қилиб қўйишади.

–Аммо, фармацевтик компанияларининг ўзлари кимёвий маҳсулотларнинг энг катта истеъмолчисуку?

Герман Стерлигов: Албатта, кимёвий маҳсулотлар, аборт материаллари, транспрантология, яъни аъзолар ва бошқалар. Албатта, барча наркотик моддалар фармацевтик компаниялар томонидан ишлаб чиқарилади. Наркотиклар қаердан пайдо бўлади? Масалан шундай дейишади: “нарко-мафияни кўлга олдиқ”. Қанақа нарко-мафия, мана дорихоналар тармоғи ҳақиқий нарко-мафия. Замонавий наркотик моддалар дорихоналарда сотилади. Бунинг устига бу ерда ҳар хил кирли наркоманларга узоқ хизмат кўрсатиб ўтирмаслик, уларга ҳар хил моддаларни уйларида аралаштириб тайёрлаб ўтирмасликлари учун, деярли ҳар бир дорихонада уларга тайёр мажмуа беришади, шприци билан. Бу расман турли дорилар, аммо аслида бу наркотик моддалар. “Крокодил” ва бошқалар – булар қаердан келмоқда, дорихоналардан албатта. Буларнинг ҳаммасини кимёгарлар тайёрлайди, фармацевтлар сотишади, натижада миллионлаб болаларни ўлдиришмоқда, наркоман бўлишмоқда.

Шундай экан умуман гиёҳвандлик билан курашиш ҳақида гапириш учун, аввало барча дорихоналарни ёпиш керак. Чунки дорихоналарда фойдали ҳеч нарса йўқ. У ер одамларнинг саломатлиги ва ҳаётига зарардир.



Бухоро вилояти Олот тумани ҳокими Шерали Саломов, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими раҳбар ва ходимлари билан бирга аҳолининг ўн йиллардан бери фойдаланиб келган томорқа ерларини ҳокимлик балансига ўтказишга янги шижоат билан киришди.

Туманнинг Жумабозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан бошланган бу жараён, бевосита гувоҳларга кўра, ҳеч қандай огоҳлантиришсиз, куч воситасида амалга оширилган. Тортиб олинган томорқада қурилган уйлар милиция босими остида бузиб ташланган.

«Ҳоким одамларга зўравонлик қилапти. Қурилган уй ёки уй қуриш учун кўтарилган фундамент бетонларни бузиб ташламоқда. Расм ё видеога олсак, милиция ходимлари «қамаб қўямиз, давлатга қарши фитна уюштираяпсан» деб қўрқитишяпти. Ҳоким эса: «Мен президентнинг одамиман. Сенлар давлатга қарши чиқаяпсан ва давлат ерларини ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олдинг, қонуний жазога тортиласан» деб қўрқитаяпти. Бизда бор ер ҳужжатларини, уй-жой қуриш учун берилган документни «сохта» деб ҳеч кимга қулоқ солмасдан, уйларни бузиб ташламоқда», – деди Озодлик билан суҳбатда шахсан туман ҳокими кўрсатмаси билан томорқага қурилган уйи бузилганлардан бири шахси очикланмаслигини сўраб.

Олотликлардан яна бирининг Озодликка билдиришича, туман ҳокими ташаббуси билан нафақат қурилган уй ва бошқа иншоотлар, балки ҳосилга кирган экинзорлар ҳам пайҳон қилинмоқда.

«Маҳалламиз вакиллари келиб ерларни буғдой-бедаларни бузиб полиз экинлари экиш учун ерлар ҳайдалиб, тарвуз, қовун шу каби полиз экинлари экилганди, картошқалар ҳосилга кирганига қарамасдан, бузиб пахта экилаяпти. Пахта экиш учун кеч бўлди, шунга қарамасдан пахта экилаяпти, ночор ва камбағал кишиларнинг уй, ер-жойлари тортиб олинапти, мансабдор шахслар, бойларнинг ерлари жойида қолмоқда», дейди Олот туманининг Жумабозор МҚФ йиғинида яшовчилардан бири.

### «Халққа жабр бўлаётгани рост...»

Олот туман ҳокимлиги мулозими нафақат Жумабозор, балки бутун туман бўйлаб аҳоли йиллардан бери фойдаланиб келган томорқа ерларнинг тортиб олинаётгани, пишай деб қолган ҳосил бузилиб, ўрнига пахта экилаётганини тасдиқлади.



## Ҳоким халқнинг томорқасини тортиб олишни бошлади

«Мен шахсан қатнашдим бу воқеада. Зўравонлик ҳам бўлди, дод-вой ҳам бўлди. Аёллар яна бирикки ҳафта вақт беринг, ҳосилимни териб олай, деб ялинди, лекин қулоқ солинмади. Томорқалар четига экилган ўриклар ҳам меваси пишай деб қолганига қарамай, кесиб ташланди. Сабаби, бу ерлар мустақилликдан кейин одамларга вақтинча томорқа сифатида берилган, лекин уларнинг қўлида ердан фойдаланиш ҳақидаги қарор йўқ. Уй-жой қуриш учун берилган кадастр уларга ҳовлиснинг олди-орқасидаги ерлардан фойдаланиш ҳаққини бермайди. Ҳоким шуни рўқач қилиб, уларни тортиб олаяпти. Халққа озгина ён босган маҳаллақўмни ҳақорат қилиб ташлади», деди Олот туман ҳокимининг шахсан ўз иштирокида томорқаларни тортиб олиш жараёнида қатнашган мулозимлардан бири шахси очикланмаслиги шарти билан.

### Туман ҳокими вилоят ҳокими буйруғини бажараяпти

Озодлик билан суҳбатда Олот туман ҳокимлигига яқин бошқа бир мулозим, аҳоли томорқа ерларининг тортиб олиниб, ўрнига пахта экиш кампанияси вилоят ҳокими ташаббуси эканини билдирди.

«Кеча ўтказилган селекторда вилоят ҳокими томорқаларни олиш Олотда бошланди, бошқа жойларда ҳам давом этади, деб гапирди. Вилоят ҳокими бугун туманга келиб, вазиятни ўрганапти. Бошқа туманларда бошланганини аниқ билмайман, лекин бошланса керак», деди маҳаллий мулозимлардан яна бири.

Айтилишича, хар иккала

ҳоким бундай ҳаракатни Шавкат Мирзиёвнинг томорқа ерларидан самарали фойдаланиш ҳақидаги тошшириғи ижроси сифатида тақдим этмоқда.

«Президент Хитойда бир одамнинг уйига кирипти, кичкинагига ерида 1200 туп лимони бор экан, бир қаричи ҳам бўш эмасмиш. Мана ердан самарали фойдаланиш қанақа бўлади», деб дакки берибди президент. Шунга булар ўзини кўрсатмоқчи. Олот ҳокими бу йил пахта планини бажармаса, ишдан кетишидан қўркиб, олинаётган томорқага пахта эктираяпти. Бўлмаса, ўзи бир-икки ой олдин одамларни полиз-сабзавот экишга мажбурлаган эди», деди Олот туман ҳокимлигига яқин маҳаллий мулозим.

### «Томорқахўр ҳоким»

2011 йилдан бери Олот тумани ҳокими бўлиб ишлаётган Шерали Саломов 2014 йил баҳорида ҳам айти шундай кампания ўтказишга киришган эди.

Аҳолининг жиддий норозилигига сабаб бўлган бундай ҳаракатига Озодлик муҳбири билан суҳбатда қисқа изоҳ берган Саломов:

– Одамлар «самозахват» қилиб гектарлаб ерни босиб олган. Шу ерлар бўйича ҳозир жараён кетаяпти. Бошқа бирорта одамнинг қўлидан ер тортиб олингани йўқ, – деган эди 2014 йил апрелида.

24 май куни Олот ҳокими билан боғланишнинг имкони бўлмади – ҳокимлик расмийлари Саломовнинг вилоят ҳокими билан фермер ерларини текширишга кетганини билдирди.

Манба: «Озодлик» радиоси



### Саховатли Хитой

14-15 май кунлари биринчи “Бир белбоғ, бир йўл” халқаро форуми бўлиб ўтди. Анжуманда дунёнинг 29 давлати раҳбари, 130 мамлакат вакиллари иштирок этди. Ғарб матбуоти форумга дунёнинг 65 мамлақати раҳбарлари таклиф этилганини, бироқ 40 дан ортиғи қатнашишдан бош тортгани ҳақида ёзди. Иштирокчилар орасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркия Президенти Ражаб Тойиб Эрдоғон, Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон

## ХИТОЙ ЯНГИ ТАШАББУСИ: КИМ ТАРАФДОР, КИМ ҚАРШИ?

Хитой қадимги Буюк Ипак йўлини қайта тикламоқчи. Шу мақсад йўлида таклиф этаётган “Бир белбоғ, бир йўл” ғояси дунёда хавотир, шубҳа ва инкорлар билан ҳам қарши олинмоқда.

Инглиз тилида “One Belt, One Road”, рус тилида “Один пояс, один путь”, ўзбек тилига эса “Бир кутб, бир йўл”, “Бир белбоғ, бир йўл” ёки “Бир макон, бир йўл” деб таржима қилинаётган ғоянинг муаллифи Хитой Президенти Си Цзинпин экани хабар қилинмоқда. Хитойнинг давлат ахборот агентлиги Синьхуа ушбу лойиҳа мазмунига бағишланган қисқа видео эълон қилган, бу видеода Президент Си Цзинпин Шарқнинг қадимги донолигини бугунги дунёнинг фаровонлиги ва тараққиёти йўлида ишлатишга чақиради.

Президент Си Цзинпин Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш таклифини илк бор 2013 йили Марказий Осиё мамлақатлари ва Индонезияга сафарлари пайти кўтарган.

Ушбу ғоя билан бугунги Хитой раҳбарияти қадимдаги қарвон йўллари бўйлаб товарларни Шарқдан Ғарбга етказишни кўзлаган.

Хусусан, Хитой икки йўлни таклиф қилмоқда. Қуруқлик орқали ўтадиган йўналиш учта йўлакни ўз ичига олган. Бу йўлакнинг биринчиси Хитой-Марказий Осиё-Россия-Европа йўлаги. Кейингиси Хитой-Марказий Осиё-Ғарбий Осиё-Форс кўрфази-Ўра Ер денгизи. Жанубий йўналиш Хитой-Жануби-Ғарбий Осиё-Жанубий

Осиё-Ҳинд океани.

Денгиз йўли эса Хитойнинг шарқий соҳилларидан Жанубий Хитой денгизи орқали Жанубий Тинч океани минтақасига чиқиш ҳамда Хитой соҳилларидан Жанубий Хитой денгизи ва Ҳинд океани орқали Европага чиқиш мақсадларини кўзлаган.

### Пекиндан Москвага поездда икки кунда

Хитой “Бир белбоғ, бир йўл” ташаббуси доирасида янги автомобиль ва темир йўллари, кўприklar ва саноат паркларини, бандаргоҳ ва нефть қувурларини қуришни, йўл-йўлақай янги конларни ўзлаштиришни таклиф қилмоқда. Янги ташаббус товарлар ва капитал экспортини кўпайтиради, янги ишлаб чиқариш ва иш ўринларини барпо этади, қайси давлат ушбу ташаббусга қўшилган бўлса, ундан манфаатдор бўлади, демоқда Хитой раҳбарлари. Хусусан, Пекиндан чиққан теззорар поездни бир кунда Олма-Отага, икки кунда Москвага етиб борадиган қилишмоқчи. Ўзбекистоннинг Қамчиқ довонидаги темир йўл туннели ушбу ташаббус таркибидаги лойиҳа бўлган.

Хитой раҳбарияти ўзининг ушбу янги ғояси жаҳоннинг 65 мамлақатини қамраб олади, деб билади. Гонконгда жойлашган Fung Business Intelligence тадқиқот маркази ҳисоб-китобига кўра, бу дунё аҳолисининг 60 фоизи, дунё Ялпи Ички маҳсулотининг 30 фоизи деганидир.

Президенти Алмазбек Атамбоев, Беларус Президенти Александр Лукашенко, БМТ Бош Қотиби Антониу Гутерриш, Жаҳон Банки, Халқаро Валюта жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари бор эди. Меҳмон президентлар Хитой ташаббусини қўллаб-қувватлашлари ни билдирдилар.

Ўзининг янги ташаббусига Хитой қўшимча 124 миллиард доллар сарфлашга ваъда берди. “Бир белбоғ, бир йўл” ташаббусидаги айрим лойиҳалар аниқ бўлса, айримлари ноаниқ. Бу нарса Пекингга ўз хайъатини юборишни истамаган Ҳиндистон билан Хитой дипломатлари ўртасидаги даҳанаки жангга ҳам сабаб бўлди. Хитой Шинжон орқали Покистоннинг назорати бўлган, бироқ баҳсли ҳисобланадиган Қашмир ҳудуди орқали Хитой-Покистон Иқтисодий йўлагини барпо этишга бел болаган. 50 миллиард доллар деб баҳоланаётган лойиҳа Ҳиндистоннинг норозилигига сабаб бўлган. Ҳиндистон Япония билан ҳамкорликда ўзларининг бир неча инфраструктуравий лойиҳаларини бошламоқчи бўлиб турибдилар.

### Жаноб Си қайғуси нима – дунёми ё ўз мамлақати?

Таҳлилчилар, Хитой чиндан ҳам дунё бўйлаб қашшоқликни бартараф этиб, фаровонликка элтувчи янги ташаббусни бошлаётганими ёки бу ишлаб чиқариш ҳаддан зиёд кўпайиб кетиб, иқтисодий

(Давоми кейинги саҳифада)




(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ўсиши секинлашаётган Хитой раҳбарларининг ўз мамлакати вазиятини яхшилаш ҳаракатларими, деган саволларга жавоб топишга интилмоқдалар.

Лондонда нашр қилинадиган “Financial Times” рўзномаси ушбу ташаббус Хитой манфаатига хизмат қилади, деб ёзади. Бу мамлакатнинг ётқизадиган сармоялари ҳам бор, йирик лойиҳаларни рўёбга чиқариш борасида тажриба ҳам орттирган. “Хавотирли томони шуки, бу режа Хитой иқтисодининг энг ёмон нарсаларини ҳам ташқарига экспорт қилади, шундоқ ҳам ҳозир босим остида қолган мамлакатнинг молиявий тизимига тарангликни кучайтиради”.

“Financial Times”га кўра, Хитой бир неча ўн йиллик давомида иқтисодий экспансияни амалга ошириб келди. Давлат бошқаруви остидаги ишлаб чиқарувчилар сармояни ҳар доим ҳам оқилона йўналтирганлари йўқ, оқибатда кўпгина sanoat соҳаларида ишлаб чиқариш қувватлари талабдан зиёд бўлиб кетди.

Агар лойиҳалар қурилишида маҳаллий ваҳалқароширкатларбанд бўлса, бу Хитой раҳбариятининг баёноти ростлигини исботлайди, агар кўшни мамлакатларда бошланган қурилишлардаги ишларни хитойлик мутахассислар бажаришга киришсалар, бу Хитой



ўзи йўналтирган сармояни ўзи ўзлаштиришдан манфаатдорлигини кўрсатади, дея хулоса қилади рўзнома мухбири.

### Миллиардлик барбодлар

Америкада жойлашган Bloomberg нашри Хитой сўнгги йилларда бошлаган бир неча миллиард долларлик лойиҳалар тўхтатилганини ёдга олади. Хитой Венесуэладан қарз эвазига нефть олишга келишган ва бу лойиҳа 20-24 миллиард долларга баҳоланган. Шунингдек, 7,5 миллиард долларлик тезуор темир йўл барпо этишга келишилган. Венесуэладаги сўнгги йиллардаги иқтисодий мушкулликлар боис бу лойиҳаларни тўхтатиб қўйишга тўғри келган.

Конгодаги 1 миллиард долларлик ёғ заводи, Угандада 1,5 миллиард долларлик эркин савдо зонаси ва Мянмарда 3,6 миллиард долларга баҳоланган тўғон қурилиши ҳам тўхтаб турибди.

Хитойнинг янги ташаббусига шубҳаланаётганлар фикрича, камбағал кўшниларида қарз бериш билан Пекин тобора кўпроқ ўз таъсири доирасига туширишни, иш ҳажми камайиб бораётган ўз ширкатларини янги ишлар билан таъминлашни кўзламоқда.

Президент Си Цзинпин ғоясини дастаклаётганларнинг фикрича, ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилса, Евроосиёнинг аксар ҳудудида иқтисодий имкониятларни очади.

**Манба: Би-би-си Ўзбек**

Пайғамбар алайҳиссалом вафотларидан кейин ҳазрати Билол розияллоху анху азон айтолмай қолдилар. Ва Мадинадан кетишга қарор қилди.

– Кетма, бизни азон айтиб роҳатлангир, Билол! – дедилар Абу Бакр розияллоху анху.

– Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга муаззин бўлганман. Ҳозир азон айтсаму, лекин у зотни тополмасам, қандай чидайман?! Мен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан кейин ҳеч кимга азон айтмайман, – деб йиғладилар.

Шундан кейин ҳазрати Билол Шом тарафларга кетиб қолди. Орадан йиллар ўтди. Аллоҳнинг марҳамати билан Умар розияллоху анху Қуддус шаҳрини фатҳ қилдилар. Шунда



### Сиз ҳам бир йиғланг...

ғолиб мусулмонлар ҳазрат Умардан бир илтимос қилдилар:

– Билол бизларга азон айтиб берсин!!!

Умар розияллоху анху ҳазрати Билол розияллоху анхуни чақиртириб, азон айтиб беришини ўтиниб сўрадилар. Намоз вақти кирганида Билол розияллоху анху бир баландликка кўтарилиб азонни

бошладилар:

– Аллоҳу акбар!!!

Билолнинг азонини эшитган мўминларнинг йиғидан қуйлақлари хўл бўлиб кетди. Чунки уларни бир Соғинч ўртаб юборган эди. Бу – Расулulloҳ соғинчи эди!!! Ҳазрати Билолнинг азони кўзимизнинг Нури, қалбимизнинг Сурури – Пайғамбар алайҳиссаломни ёдга солганди! Ўша куни уларнинг ичида энг кўп йиғлагани Умар розияллоху анху бўлдилар.

Маълумотларга қараганда, ана шу азон Билол розияллоху анхунинг энг сўнгги азони эди!

Ё Раб, ҳазрати Билол розияллоху анхуни яхши кўрувчиларни у зот билан кўриштиргин!

**Алишер Назар**  
**facebook.com**



## Биргина лоқайдлик барча муаммоларимизнинг – онаси

Анча йиллар аввал умримда биринчи марта Тошкентга борганим эсимда. (Эсимни таниб борганимни назарда тутдим.) Кўхна шаҳар. Чиройлик ва ҳашаматлик бинолар. Одамлар гавжум. Ҳамма ҳар ерга шошган. Бир зум сокинлик йўқ. Вақт эса сувдек ўтади.

Кўчаларни айланиб бир нарсга ҳайрон қоладим. Хиёбонларда, кўчадаги ўриндиқларда йигит ва қизлар бемалол 18 + кўрсатишиб ўтиришарди. Табиий, мен учун жуда валломат кўринган. Мен умримда бундай саҳналарни “живой” кўрмаган ўспирин йигитча эдим. Дўстим билан (дўстим ўқишга келиб, шу ерда қолиб кетган эди) бир кун шундай севишганларга дуч келдик. Бир-бирини еб кўяй деб тирмашиб ётибди. Мулфилмдаги каби: “хўрозни кўйвор, номард!” деб, бакириб юборибман. Ўзимча роса сўккан бўлдим. Иккала ошиқларни турғизиб юбордим. Эвазига эса дўстимдан дакки эшитдим. Қолоқликда, кўча кўрмаганликда айбландим. Мени энди кўчадаги шармандалик ҳолатлардан кўра дўстимни гапи янада таажублангирди. Бир вақтлар, бирга ўқиб юрган кезларимиз амру маруф ва наҳий мункарни доим қиладиган, кўчадагиларни яхшиликка чақирадиган, мункарга шиддат кўрсатадиган дўстим бошқа одамга айланиб бўлганди.

Мен ўсган шаҳарда йигит ва қиз ҳатто қўл ушлашиб тура олмасди. Агар йигитлар йигит ва қизнинг ёнма-ён кўчада ўтирганини кўриб қолса албатта шарманда қилмагунча кўймасди. Керак бўлса уришгача борарди. Мана шуни билгани учун ҳам ҳеч кимни ҳадди сифмасди бу ишларни яққол кўчада қилишга.

Бир кун метрога тушдим. Метрога «қизини» кузатаётган йигит у қизни шунақа ўпдики... Киноларда ҳам бунақасини кўрмайсиз. Ҳалиги, нима дерди “романтичний”. Одамлар тўшакда уялиб қиладиган ишини куппа кундуз куни, жамоат жойида бемалол қилди. Энг даҳшатлиси эса ҳеч ким эътибор бермасди. Ҳатто назар ҳам солишмасди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора.

Бир муддат Тошкентда яшашимга тўғри келди. Яшаш асносида ўша саҳналарга кўникдим. Аввалига «қолоқликни» ташладим. Энди гапирмасдим. Қалбимда жирканардим. Яна бир муддатдан кейин ҳалиги ишларга эътибор бермай кўйдим. Мутлақо «қолоқликдан» кутилдим. Энди мен бемалол яшардим. Ҳеч кимга, ҳеч нарсга эътибор бермасдим. “Менга нима” шиорига ўтиб олдим. Энди дўстим иккимиз бир-ҳил фикрлардик. Бир кун меҳмон келди. Уч киши шаҳар айландик. Меҳмон ҳам ўша, мен келган

вақтда ҳис қилган нарсаларни ҳис қила бошлади. Бу сафар олдини олиш учун ўзим унга тайинладим: “эътибор берма! Бу ер шундай жой. Хоҳлаган, хоҳлаган қандини ейди. Юр кетдик...”

“Воронижга келволдим, яна мушук бўлволдим”, деганларидек уйга қайтиб яна аввалги холимга келдим.

Умар Ибн Абдулазиз замонида бир киши дарсга кечикиб келганида Умар Ибн Абдулазиз шундай деган эканлар: “дин сен ва сенга ўхшаган лоқайдлар дастидан ғариблашади.”

Дин душманлари бу нарсани биздан аввал тушуниб етишган. Масжидлардаги азон нимага чақиради? Муаззин: «намозга келинг, нажотга келинг», деб даъват қилади.

Болаларни масжиддан тўсиш, ҳижобга тақиқ қўйиш, диний илмни чеклаш... Ҳатто тўйларда амру-маъруфни тўхтатиш.

Аллоҳ ҳар бир гуноҳ ва биз орамизга чегара қўйган. Ўша чегарани босиб ўтдикми, таомом! Биз энди уни қилаверамиз. Ўғри онасидан ўғри бўлиб туғилмайди. У бир марта ўғирламагунча тўғри бўлиб юраверади. Бир марта ўша чегара босилдими, энди унга у гуноҳнинг ҳайбати қолмайди. Кўрқуви кетади. Ёлғон, зино, пора барчаси шулар жумласидандир.

Жамиятда қачонки одамлар бир гуноҳни гуноҳ ва жирканчлик иш деб билсагина ўша гуноҳлардан қутулиш мумкин. Пора, зино, ёлғон каби гуноҳлар одатий, кундалик турмуш тарзимизга айланган. Баъзисини ўзимиз қиламиз, баъзисини қилганлардан эшитамиз. Лоқайдмиз, эътиборсизмиз!

Бугун одамлар кўчада қорқиз кийимини кийган йигитни кўрса нафратини изҳор қилади. Уради, тепади ва ҳоказо. Гейларга ҳам муносабат шундай. Лекин гуноҳи ундан кам бўлмаган зино, каззоблик, кредит ва пораўрликни оддий, шундай бўлиши керак деб қабул қиламиз. Муаммо лоқайдлигимизда, Агар ўша қорқизни, гейларни уриб, тепиб, нафратланганимиздай порадан, ёлгондан, зинодан нафратланганимизда эди... Жамият ўз-ўзидан ўнганарди. Афсуски, биз пора билан қаср қурган Прокурорга, одамларни қакшатиб бой бўлган мафиозга, халқни талаган амалдорга ҳавас қиламиз. Судлардан, прокурордан,

*(Давоми кейинги саҳифада)*



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

милициядан зулм кўриб, дод-войлаб боламизни яна ўша даргоҳларга киргизиш учун пора билан олиб борамиз. Ўша даражага эришиб, кимнидир қон қақшатганда дуо қилиб, омад тилаймиз.

У бола ҳам отасининг облигациялари каби, ўз қийматини йўқотмаслик учун чин-дилдан ҳаракат қилиб ўша мансабга эришгандан кейин пулларни ўн ҳисса қилиб қайтариш илинжида бўлади.

Биргина лоқайдлик барча

муаммоларимизнинг – онаси. Аралашмаймиз, кўзимизни юмамиз, танимаганга, кўрмаган ва билмаганга оламиз. Мақолмиз ўзимизга ярашган «оч қорним тинч қулогим».

Sayyid Islom  
facebook.com



## Барча ривожланган мамлакатларда “ҳукумат мукофоти” деган гап йўқ...

Авалло, ҳаммадан кечирим сўраб айтаман...

Ижодкорларни ҳукумат “сиёсати” ва ҳукумат бошлиқларининг маддоҳларига айлантириш – уларнинг давлат томонидан мукофотланишларидан бошланади.

Совет ҳокимияти даврида ҳам, ҳозир ҳам ёзувчилар, шоирлар, сахна санъаткорлари ва ҳатто рассомлар ҳам давлат мукофотларига кўз тикиб қолишган...

“Қачон менга “ҳалқ артисти” унвони бераркин”, “Қачон менга “ҳалқ қаҳрамони” унвони бераркин”, “қачон менга фалон мукофот лауреати деган унвон бераркин”, “қачон менга орден ёки медал бераркин” деб юрганларни кўп кўрдим...

Совет даврида бир машҳур шоира “ленин комсомоли” мукофоти олиш учун қанчалар ҳаракат қилганига ўзим гувоҳ бўлганман.

Ундайлар оз эмасди...

Қойида бўйича, давлатнинг юқори идораларида ишлаб юрганлар бу ва бошқа мукофотларга тезроқ етиб боришарди.

Иложи борича раҳбарга яқинроқ бўлишга интилиб...

Ижод савияси – кейинги ўринларда...

Аслида, ҳукумат – ижодкорлар ва санъаткорлар ишларига

аралашмаслиги керак...

Бадий асар учун жазолаш ёки мукофотлаш ҳуқуқи ҳокимият кўлига ўтмаслиги лозим...

Бадий – ижодий ишлар эркинлиги амалий ва қонуний йўллар билан таъминланмагунча, бу хатоларни тузатиб бўлмайди...

Барча ривожланган мамлакатларда “ҳукумат мукофоти” деган гап йўқ...

Уят ҳисобланади...

Яна бир муҳим гапни айтиб ўтишим керак... Барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда, айниқса – Европа мамлакатларида, давлат раҳбарини мактаб шеър ёзиш ёки қўшиқ айтиш – ўта шармандалик қилиқ, уят иш ҳисобланади! Ундай одам, умуман, жамиятда бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қолади!

Мукофотга муносиб асарларни ва шундай асарлар муаллифларини – махсус ташкилотлар, асар ёки ижро бадий қийматини белгилайоладиган жюри аъзолари тавсия қиладилар...

Европа мамлакатларида шундай ташкилотлардан бир нечтаси домий иш олиб боради...

Тақризлар ва танқидлар ҳам мустақил... Бировнинг кўзига – қошига қараб ўтириб ёзилмайди...

Майлида... Бу ҳам бир гап.

Яна бир бор узр!

Ёдгор Обид

## Тожикистон билан муносабатлар тузалмади

Тожикистоннинг Ашт туманидаги Оқжар қишлоғида яшайдиган 50 яшар Бинафша OzodMikrofonга одамнинг қалбини ларзага соладиган бир воқеани айтиб берди.

Тожикистоннинг Ашт туманидаги Оқжар қишлоғини кесиб ўтган Сирдарёнинг нариги томонидаги қишлоқнинг ҳам номи Оқжар. Фақат у Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятига қарашли.

Чегаралар ёпилиб, виза тартиби жорий қилинганидан сўнг, қишлоқлараро борди-келди тамоман тўхтаган.

Ўзбекистоннинг Оқжар қишлоғига келин бўлиб тушган аёл касал бўлганидан сўнг ота-онаси даволатгани Тожикистоннинг Оқжар қишлоғига виза қилдириб, олиб келади. Аммо, орадан бир қанча вақт ўтмай аёлнинг жони узилади.

Аёлнинг фарзандларига хабар берилади, лекин виза қилиш учун майит кутиб турмайди. Жаноза ота уйида бўлади. Ота уйи дарё бўйида бўлгани учун аза бўлган уйдан қаттиқ йиғи чиқади. Виза қилдириб келишга вақти етмаган аёлнинг фарзандлари эса дарёнинг нариги қирғоғига келиб, она билан узоқдан йиғлаб хайрлашади.

Бу ҳолатни кўрган бутун қишлоқ йиғлайди...

Ана шу воқеа ва икки қардош халқнинг бир-бирларининг дийдорига тўя олмаётгани ҳақида гапириб берди, Бинафша.

Манба: “Озодлик” радиоси

Туркияда чиқадиган Sabah газетасининг хабар қилишича, археологлар Фарғона водийсида Буюк ипак йўлидаги қадимий манзилгоҳни топган.

Хитой ва Ўзбекистон археологлари Мингтепа қишлоғи ёнида икки йил давомида олиб борган археологик қазмалар натижасида майдони 2 квадрат километрлик қадимий шаҳар топилган. Газета топилма шаҳар ҳажмини Европа жанубидаги Монако давлати майдонига тенг эканлигини айтиб ўтган.

Тадқиқотлар мазкур шаҳар 2000 йил муқаддам Фарғона водийсини Буюк ипак йўлидаги зотдор отлари ва бекатлари билан машҳур бўлган Дайюань давлати билан боғлиқ муҳим аҳоли пункти бўлганини кўрсатган.

Айтилишича, Фарғона водийсида топилган қадимий шаҳар эрамиз бошланиши арафасида Хитой ва Европа маданиятларинг бир-бирига ўзаро таъсирини ўрганадиган муҳим нуқтадир.

Хитой ва Ўзбекистон археологлари гуруҳи Фарғона водийсида жойлашган қадимий Мингтепа шаҳридаги қазув ишлари чоғида муҳим кашфиёт қилишди. Бу ҳақда Синхуа агентлигига таяниб, Спутник нашри йил бошида хабар қилган эди.

Икки мамлакат археологлари 2012 йилдан буён мазкур қадимий шаҳарда беш марта қазув ишларини ўтказишди. Қазув натижаларидан маълум бўлишича, бундан 2000 йил аввал Мингтепа нафақат



## Археологлар Фарғона водийсида Буюк ипак йўлидаги қадимий манзилгоҳни топган

аскарлар қўрғони, балки Фарғона водийсидаги энг йирик қалъа-шаҳар бўлган. Қазув ишлари вақтида шунингдек, устахона ҳаробалари, ички шаҳарнинг ғарбий дарвозаси қолдиқлари ва ташки шаҳар шарқий девори ёнидан қабристон топилган.

Хитой археология институти вакили Чжу Яншининг айтишича, қазув ишларида “Лоян белкураги” деб номланувчи хитой археологик асбоби, илғор ўлчов ва компьютер технологияларидан фойдаланилди.

Унинг сўзларига кўра, ўзбек археологлари қадимий шаҳарнинг ерусти қисмини яхши ўрганишган, хитойлик археологлар эса унинг

еростки қисмини ўрганишда катта тажрибага эга. Шу боис томонлар қазув ишларида юқори натижага эришдилар.

Андижон шаҳридан унча узоқ бўлмаган Марҳамат тумани ҳудудида жойлашган Мингтепа шаҳри қадимий Довон мамлакатининг пойтахти бўлган. Маълум қилинишича, Мингтепани ўрганиш узоқ муддатли лойиҳа бўлиб, археологлар энди қазув ишлари давомида олинган маълумотлар асосида Мингтепага оид воқелар солномасини тузишади.

*Манба: “Озодлик” радиоси*

Янги униб чиқаётган майсани бармоқ орасига олиб хиёл эзгиласангиз, суви чиқиб кетади. Шу қадар кучсиз, шу қадар ҳақир борлиқ у.

Аммо ерни тешиб чиқади! Бетўнни ёради! Аспални кўпоради!

Ер зарангдай қаттиқ, у соч толасидай майин. Бетўн метиндай пишиқ, у гул баргидай нозик. Аспал тошдай оғир, у момикдай енгил.

Унақада майсанинг кучи нимада?!

Ғоясида!

Майсанинг ғояси (вазифаси) аспал кўпориш, бетўн ёриш ё ерни тешиш эмас. Бу ишларга кучи етмайди.

Унинг ғояси униб чиқиш! Унга униш буюрилган! Униши

## Ёруғликка жаҳд билан талпиниш бизни ютуққа элтади

учун майсага ёруғлик керак. У ёруғлик ахтаради.

У нур истайди! Нурга талпинади! Боши узра нима босиб тургани уни қизиқтирмайди!

Ёруғлик (нур) сари ҳаракати асносида заранг ерни тешиб чиқади, зарра сиққудай тирқиш топиб олиб бетўнни ёради, аспални боши узра кўтаради!

Инсонда ҳам майсанинг ҳимматичалик ҳиммат бўлиши лозим. Доим яхшилик исташи керак. Яхшиликни қаттиқ исташи керак. Яхшилик нур, ёмонлик қоронғуликдир. Одам нурга талпинар экан, йўлдаги

қоронғуликларни писанд қилмай кўяди.

Биз яхшиликка интилишга буюрилганмиз. Бизни бу йўлдаги ҳаракат кучли қилади.

“Мен биттаман, ёмонлик кўп!” дейиш ўта хато тушунча.

“Мен кичик одамман, ёмонлик илдизи кучли...” дейиш ўта хавфли тушкунлик.

“Мен ниҳоятда ҳақирман, ёмонлик ўта уюшқоқ!” деган киши ҳақирлигича қолиб кетади.

Яхшиликни қаттиқ исташ одамни кучли қилади, ёруғликка жаҳд билан талпиниш бизни ютуққа элтади.

*(“Нафсимга ўғитлар” туркумидан.)*

**Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон**  
facebook.com





## Бундан буён болани чет элга олиб чиқиш учун она ёки отанинг рухсати талаб қилинмайди

Бундан буён болани Ўзбекистондан ташқарига қисқа муддатга олиб чиқиш учун, агар у отаси билан чиқаётган бўлса, онасининг, онаси билан чиқаётган бўлса, отасининг рухсати талаб қилинмайди. Бу ҳақда ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи муовини Улуғбек Тошхўжаев баёнот берди.

Вазирлик расмийси айтган янги тартибдан жойлардаги ОВИР идоралари ҳозирча беҳабарлиги маълум бўлди.

### Мулозим яна нима деди?

Улуғбек Тошхўжаев вояга етмаган болаларни чет элга олиб чиқиш тартибига доир ўзгаришга оид баёнотни Тошкентдаги Халқаро пресс клубда Ички ишлар вазири ва вазирлик бошқармалари раҳбарлари иштирокида 2 май куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида қилди.

Тошхўжаев, шунингдек, бундан буён чиқиш стикерини расмийлаштириш учун ўқув муассасаси тасдиқлаган ҳужжатлар, анкета, боланинг фотосурати ва паспорти бўлиши лозимлигини айтган.

Боланинг чет элга отаси билан чиқиши учун онасининг ёки онаси билан чиқиши учун отасининг рухсати ҳорижий давлатга доимий яшаш учун чиқилаётгандагина талаб қилинишини айтган ИИВ расмийси.

### Фарғоналик боласини Россияга қандай олиб келган?

Бир неча йилдан буён Красноярскда ишлаётган фарғоналик Абдуназарнинг Озодликка айтишича, 2011 йили турмуш ўртоғи вояга етмаган фарзанди билан Россияга келиши учун у Красноярскда нотариусга бориб, “Хотиним Фалончига ўғлим Фистончини ўзи билан Россияга олиб келиши учун рухсат бераман”, деган мазмунда ишончнома расмийлаштирган. Ишончнома Абдуназар факс орқали Фарғонага жўнатган ва шундан кейин хотини ва ўғли Ўзбекистондан чиққан.

### Сурхондарёдан олинган маълумот

ОВИР тизимининг Сурхондарё вилоятидаги идораси мулозими Озодлик саволларига жавоб бераркан, вояга етмаганларнинг чет элга чиқиш тартибида ўзгариш юз бергани тўғрисида эшитмаганини айтди.

Боланинг отаси, масалан, Россияда бўлса, сурхондарёлик мулозим айтган тартиб бундай:

ота факс орқали Ўзбекистонга ишончнома жўнатади;

она болани бирга олиб кетишга доир нотариус орқали мажбуриятнома расмийлаштиради; она анкеталарни тўлдиради;

болага паспорт берилади. (“Киндерпаспорт” деди мулозим – Бола паспорти)

ОВИР тизимининг Бухоро вилоятидаги идораси мулозими ҳам

сурхондарёлик ҳамкасби айтган гапларни такрорлади

### Юнусободдан олинган рўйхатлар

Озодлик ҳамкори 3 май куни Тошкент шаҳар Юнусобод туман ОВИРида бўлиб, ўрганаётганимиз масалага қизиқди. Тилга олинган идорадан олинган куйидаги икки эслатмадан бири “Ҳорижга чиқиш учун тўпланадиган ҳужжатлар рўйхати”:

иккинчиси эса, “16 ёшга тўлмаган фуқарога паспорт олиш учун керак бўладиган ҳужжатлар рўйхати”дир:

Вояга етмаганларга паспорт олиш тартиби тўғрисида ҳуқуқий масалаларга ихтисослашган noima.uz сайти материали билан мана бу ишорани босиб танишишингиз мумкин.

Сайт юристининг айнан шу мақолада ёзишича, боланинг чет элга онаси билан чиқишига отасининг, отаси билан чиқишига онасининг розилиги 2014 йилда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунга биноан талаб қилинади.

### Чет элга чиқиш тартибини белгилловчи ҳужжатлар

Ўзбекистон фуқароларининг чет элга бориш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил, 6 январдаги қарори билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги расмий сайтида эълон қилинган эслатма-материалда вояга етмаганларнинг чет элга чиқиш тартиби тўғрисида бундай дейилган:

Ўзбекистон Республикасининг ёши 16 гача бўлган фуқароси чет элга чиқар экан, унинг биометрик паспортидаги стикерда унга ҳамроҳлик қилувчи киши тўғрисида белги ёки муҳр бўлуви лозим. Ўзбекистон Республикасининг ёши 15 дан 18 гача бўлган фуқаролари чет элга ота-онаси ёки васийларининг нотариус тасдиқлаган розилиги билан мустақил равишда ҳамроҳсиз чиқиши мумкин.

**Манба: “Озодлик” радиоси**

Ўғлим Абдурауф яқинда олти ёшга тўлади. Мен Россияда қамалиб қолганимда онасининг қорнида эди. Қутилмаганда мен қамалиб қолдим бегона шаҳарда онаси ёлғиз қолиб кетди...

Яқинларимга айтиб зудлик билан уйга жўнатиб юбордим. Ўзим Аллоҳнинг инояти билан беш ой деганда озодликка чиқдим. Олдин ҳам ёзган эдим бу ҳақида, иккинчи август куни кечки пайт озодликка чиқдим, уйдагилар билан эртасига учинчи август куни гаплашдим. Тўсатдан айтсак қувончни кўтаролмай қолмасин деб укам бир кун уйдагиларни бу ҳушхабарга қуниқтириб турди. Тўртинчи август куни ўғил кўрдим.

Мана шунга орти олти йил бўлиб қолибди.

Онаси ўша пайтларда қаттиқ изтироб чеккани сабаблими ўғлим сал нимжонроқ катта бўлди. Шу кунгача деярли умри касалхоналарда ўтди. Қаттиқроқ истиманиям кўтара олмайди, ҳушини йўқотиб қўяди. Уйдагилар дарров касалхонага олиб боришади. Менга унча билдиришмайди-ю, уйдагиларча кўшилиб қариндошлар, кўшниларгача

## Ғарибликдаги илтижо

касалхонага боришганини эшитганимда биламан ҳақиқий аҳволни. Шу жажжи болам шунча дардни кўтаради олти йил давомида.

Бир сафар, уч-тўрт яшар пайти эди, навбатдаги ҳушини йўқотганида касалхонага олиб боришган, шифокорлар ҳаракат қилишиб ўзига келтиришган. Эртасига болам ёнидаги болаларни кўргани оталариям келаётганини кўриб” Нега бошқа болаларнинг дадалари келади мен шунчалик оғрисам ҳам дадам келмайди ёнимга. Аяжон, тезда телефон қилинг келсин, дадамни кўргим қеляпти” деб дод солиб йиғлаган. Ўша пайтда боламга кўшилиб қариндошлар, бошқа болаларнинг оналари, ҳаттоки шифокорлар ҳам йиғлаган экан...

Бир йилча бўлди уйга телефон қилсам ўғлимга беришди гаплашиш учун, менга “Дадажон, мен кичкиналимда кўтариб дўконга олиб чиқсангиз сизга қиммат шоколадлардан олдирармидим?”

деб сўраб қолди. Мен “Ҳа болам, шунақа эди” десам қувончдан қиқирлаб қулиб телефони онасига берди. Ўғлим онасидан сўраган экан “Дадам мени кўрганми?” деб, онаси боланинг кўнгли учун ўша гапни айтибди, болам шунга бир неча кун хурсанд бўлиб юрибди. Энди ўша гап ростлигини менадан сўраётган экан.

Қизим катта бўлиб қолди, мени аяб соғинчини айтмайди. Соғлигимни сўрайди холос.

Аммо онаси билан гаплашиб мени эслашар экан, тўрт яшар пайтида эсида қолганим лаҳзаларни айтиб ўзини овулар экан...

Менинг бор дардим ичимда, бировга айтмай яшайман, юзим қулиб тургани билан қалбим йиғлайди. Ҳозир шуларни ёзаяпман-у кўзимда ёш.

Эй Худойим мени соғинган онамнинг, аҳли аёлимнинг, фарзандларимнинг дуоларини ижобат қил! Ёруғ юз билан юртимга қайтай.

Эй яхшилар, менга ўхшаган ғарибларни дуо қилинглр, бизлар ҳам оиламиз бағрига қайтайлик.

Акмал Навиев  
Facebook.com



## Эски ҳаммомга янги тос – ОВИРнинг номи ўзгарди

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси сайти, Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг номи Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш Бош бошқармасига ўзгартирилгани ҳақида хабар берди. Бироқ, хорижга чиқиш руҳсатини расмийлаштириш қоидалари ўзгаришсиз қолган.

Шу йилнинг бошида расмий матбуотда, Ўзбекистон чиқиш визаси стикерлари расмийлаштириш тартибини хорижий паспорт бериш билан алмаштириш режасини билдирган эди.

Айни пайтда чиқиш визаси тартибининг қачон бекор бўлиши ва хорижий паспортнинг амал муддати қанча бўлиши кераклиги номаълум қолмоқда.

«Умуман, чиқиш визасини бугуноқ бекор қилиш мумкин, чунки аксарият аҳолининг аллақачон хорижий сафарга ярайдиган биометрик паспорти бор.

Чиқиш визасини бекор қилиш – давлатнинг пулини ва халқнинг асабини сақлаган бўлар эди», дейди расмоз Туз.

Рассом Туз  
Манба: [Eltuz.com](http://Eltuz.com)

## Петербургда 250 дан зиёд ўзбекистонлик бадарға қилинди

“Озодлик” радиосининг хабар беришича, Жорий йил бошидан бери Санкт-Петербург шаҳридан Россияда юриш қоидаларини бузган 419 нафар хорижлик бадарға қилинди. “Росбалт” агентлигининг Россия Суд нозирлари федерал хизматининг Санкт-Петербург бошқармаси матбуот хизматида таянган ҳолда хабар қилишича, миграция тартибини энг кўп бузган муҳожирлар ўзбекистонликлардир (бадарға қилинганларнинг 60 фоиз).

Россиядан чиқариб юборилган бу муҳожирларнинг 24 фоизини тожикистонликлар ташкил қилади. Миграция тартиби бузганлар орасида Украина, Қирғизистон, Молдавия, Ҳиндистон, Нигерия ва бошқа мамлакатлар ватандошлари ҳам бор.

Бадарға қилинган муҳожирларнинг беш йил мобайнида Россия Федерацияси ҳудудига кириши тақиқланади.

ЎХХ хабарлар бўлими

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
[www.uzxalqharakati.com/erkinyurt](http://www.uzxalqharakati.com/erkinyurt)  
Мухаррир: Нурбек Саломов